O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
23 декабрь
ШАНБА

№ 102
(11.905)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Сайлов*

## ТЕНГЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини 2006 йилнинг 24 декабрига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилгани яхши маълум.**

Биз Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Қўчқор Тоғаевдан бўлажак сайловлар хусусиятлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қуйи палата ҳисобланиб, ҳудудий, бир мандатли округ сайлов комиссиялари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган, 120 депутатдан иборат бўлади.

Асосий сайловлар оралиғида айрим депутатларнинг депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига мувофиқ тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади.

Шу боис, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота, Фарғона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини 2006 йил 24 декабрь – якшанба куни ўтказиш белгиланди.

**– Бўлажак сайловларнинг ўзига хос томонлари нимада? Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказиладиган умумий сайловлардан фарқ қиладими?**

– Бу сайловларни ўтказишда қонунда белгиланган муайян ҳолатлардан ташқари жиддий фарқлар мавжуд эмас. Умуман бу сайловлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни асосида ташкил этилади ва ўтказилади. Ушбу Қонуннинг 47-моддаси эса бевосита бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказишни тартибга солади.

(Давоми 2-бетда).

## УЧРАШУВЛАР ҚИЗҒИН ЎТДИ

**Эртага бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига бир қатор округлар бўйича сайловлар бўлиб ўтади. Вилоятимизда бу сайловлар Қонунчилик палатасига 75-Зангиота, халқ депутатлари вилоят кенгашига 16-Янги ҳаёт, 22-Ғазалкент, 36-Оққўрғон ва 43-Кориз сайлов округлари бўйича ташкил этилмоқда. Шунингдек, 13 та округда ҳам шаҳар ва туман кенгашларидаги бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайланади.**

Шу нарса диққатга сазоворки, бу сайловларда депутатликка номзодлар кучли муқобиллик асосида кўрсатилди. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган ва сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга алоҳида эътибор билан ёндошилди. Учрашувлар чоғида бугунги долзарб муаммоларни ҳал этиш — янги иш жойларини яратиш, тадбиркорлик, айниқса, касаначиликни ривожлантириш асосида қишлоқ жойларидаги ишсизликни бартараф қилиш, бунда депутатларнинг ўрни ва ролини кучайтириш масалалари теварагида қизғин фикр олишув бўлиб ўтди.

— Сайловчиларнинг номзодлар — тиббиёт коллежининг директори Ҳусниддин Раҳманов, «Янгийўлвино» очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Неъматжон Садиев ва «Янгийўл Нур» корхонасининг раҳбари Ҳусан Нормуҳаммедов билан учрашуви қизғин ўтди, — дейди кекса ўқитувчи Саломат Абдуллаева. — Шаҳримизни ободонлаштириш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кенгайтириш масалалари, қонунлар ва қарорларнинг ижроси устидан депутатлик назорати муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Округимиздан депутатликка кўрсатилган номзодлар Зангиота туманида 4 жойда, Тошкент туманида 2 жойда сайловчилар билан учрашишди, — деди Қонунчилик палатасидаги бўшаб қолган ўринга сайлов ўтказаётган 75-Зангиота округи сайлов комиссияси раиси Тўлқин Файзиев. — Сайловчилар эмин-эркин фикр билдиришди, ўз орзу-истакларини баён қилишди. Муҳими, ҳар бир иштирокчи муқобил номзодларнинг билими, савияси, салоҳиятига қараб, энг муносибини танлаб олишда бу учрашувлар чоғидаги жонли мулоқотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

*Вилоят ҳокимлигида*

**Вилоятга четдан товарлар олиб келинишини тартибга солиш, алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш, вилоят бозорларидаги шарт-шароитларни яхшилаш ва савдо маданиятини юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унга вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят бошқарма, корхона ва ташкилотлари, молия тизими раҳбарлари, тадбиркорлар таклиф этилди.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайитқулов бошқарди.

Иштирокчилар республика Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини ташкил этиш вазифаларини муҳокама қилдилар.

Кейинги вақтда вилоят бозорларини кенгайтириш, савдони тартибга солиш, мамлакатга четдан божхона тўловларини тўлашдан қочиб, ноқонуний йўллар билан маҳсулотлар олиб кирилишига тўсиқ қўйиш борасида таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, жойларда эътиборсизлик ва сусткашлик оқибатида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этиб ўтилди. Шунингдек, назорат ва текширишларни тўғри ва изчил йўлга қўйиш, бозорлардаги ўринларни кўпайтириш ва фақат давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорларга жой берилишини таъминлаш, ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кучайтириш юзасидан аниқ фикр-мулоҳазалар баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев йиғилишда сўзга чиқиб, шу йил 14 ноябрь ва 16 декабрда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишларда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш имконини берувчи қўшимча чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхталди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 30 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 30 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 22 декабрь.

*Долзарб мавзуда суҳбат*

## МАЪНАВИЙ НЕЪМАТ ҚАДРИ

**Ўтган ва бугунги кунларнинг қадрига етиб, шукронасини қилиб, эртанги кунлар орзу-режаси билан яшаш инсонларга хос хислат. У одамзодни фазилатга бошлайди, ўзлигини англаб, шунга хос саъй-ҳаракатлар қилишга ундайди.**

— Шундай яшаш, ўзига берилган неъматларнинг қадрига етиш ва шукрини адо этиш ҳар бир фуқаро учун энг муҳим фарз амалидир, — дедилар суҳбатимиз ибтидосида вилоят бош имом-хатиби Қурбонали Турсунов. — Хўш, неъмат дейилганда нималар тушунилади? Муқаддас Қуръони Каримда инсоният учун маиший воситалар пайдо этилгани марҳамат қилинган. Ҳамма учун умумий тарзда берилган бу неъматлардан ҳар ким имкониятига қараб фойдаланади. Айрим кишилар неъмат сўзининг маъносини жуда тор доирада тушунадилар. Улар сув, ҳаво, саломатлик, эл-юрт тинчлиги каби ҳаётимизни уларсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган неъматларга бепарво қараб, катта мол-дунё, мансаб-мартаба ва шунга ўхшаш ҳар ким ҳам етиша олмайдиган орзу-ҳавасларга эришишнигина неъмат деб биладилар.

Қадрини билишимиз, эъзозлаб, асраб-авайлаб яшашимиз лозим бўлган неъматлар икки хил бўлади. Уларнинг бири — инсоннинг маиший эҳтиёжлари учун зарур бўлган моддий неъматлар, иккинчиси — инсоннинг руҳиятига қувват бағишлаб, унинг чин инсоний ҳаёт кечиришига имкон яратувчи маънавий неъматлардир.

Ҳар икки турдаги неъматларнинг фарқи ниҳоятда катта. Қисқа қилиб айтилса, моддий неъматлардан барча мавжудот ва маҳлуқотлар ҳам баҳраманд бўладилар. Аммо маънавий неъмат фақат ва фақат инсонларга хос.

**— Тақсир, маънавий неъмат ва унинг омиллари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.**

— Айтайлик, имон неъматидан баҳра ололмаган киши икки дунёда ҳам саодат топмайди. Ақл неъматидан бенасиб кимса борки, инсоний ҳаёт кечира олмайди. Ҳуррият неъмати эса, сизу бизнинг озод яшашимиз, ўз ҳаётий эҳтиёжларимизни қондириш йўлида эмин-эркин ҳаракат қилишимиз учун асосий омилдир.

Яратганнинг марҳамати, Истиқлол неъматининг шарофати туфайли элимиз ҳурликка эришди. Муқаддас динимиз учун кенг йўл очилди. Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин қабул қилинган Конституцияда дин ва виждон эркинлиги махсус моддалар билан кафолатланди. Бу эса, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакилларига ўз дини ва эътиқодига мувофиқ барча диний маросимлар, ибодат ва тадбирларни бемалол адо этиш имконини берди. Шу тариқа имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё сингари энг эзгу фазилатлар одамлар руҳиятига сингиб, турмушимизда тобора чуқур қарор топиб боряпти.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ибодатларни эркин адо этишлари учун, жумладан, мусулмонларга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Муборак ҳаж сафарини адо этиш учун яратилган қулайликлар, икки ҳайит ҳам дам олиш кунлари этиб белгиланиши ихлосманд халқимиз учун катта бахт ҳисобланади.

**— Ҳар бир миллат ўз истиқболини фарзандларида кўради, энг эзгу орзу-умидларини навқирон авлод билан боғлайди.**

— Дарҳақиқат, шундай. Зеро, фарзанд ҳам инсонларга ато этилган улуғ неъматдир. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди аҳли-солиҳ, маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади. Табиийки, уни шундай фазилатлар соҳиби қилиб тарбиялаш, аввало, ота-она масъулиятидаги вазифа ҳисобланади. Оиладаги соғлом муҳит, тўғри тарбия ўғил-қизларимизнинг билим ва касб-ҳунарли, ҳалол ва пок бўлиб вояга етишлари учун асос ва пойдевордир. Муқаддас динимизда ёшларнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбиясига эътибор бериш муҳим масалалардан саналади. Бу борада жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муқаддас ҳадисларидан бирида: «Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар», — деб марҳамат қилганлар.

**— Илм ҳақида гап очилганда, гоҳида мусулмонлар фақат диний илмни тушунишларини илғаб қоламиз.**

(Давоми 2-бетда).

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Андижон, Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ўқувчилар орасида диний экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, қишлоқ жойлардаги бўш аҳоли вакилларини касаначиликка, болаларни мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб қилишнинг аҳволига оид масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимизда Конституция ва тегишли қонунларга биноан анъанавий динлар вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида барча шарт-шароит яратилган. 202-мактабда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга оид тарғибот марказлари ҳамда 8 минг 846-мактабда тўгарак ва клублар ташкил этилган.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, йиғилишда шунингдек, муҳокама қилинган масалалар бўйича жойларда қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

*Тактик ўқув-машғулотлар*

## ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОН, БЕХАТАР БЎЛСИН

**«Қамчиқ» довонининг 116-145-километрида ўтказилган ўқув-машғулотларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда ҳолатларнинг манбаларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда ҳамкорликдаги куч ҳамда воситалардан фойдаланиш, шу асосда ягона бошқарувни ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.**





Тадбир муқаддимасида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг дала шароитидаги бошқарув масканида ўтказилган штаб йиғилишини республика фавқулодда вазиятлар вазири Қобилжон Бердиев бошқарди. Унда машғулотни ўтказишга масъул бўлган ташкилот ва идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

— Довон йўлининг 104-144-километрлари бевосита вилоятимиз ҳудудидан ўтади, — деди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Журъат Шарипов. — Унинг атрофида Оҳангарон туманига қарашли 8 та аҳоли пункти жойлашган бўлиб, уларда жами 10 мингга яқин киши истиқомат қилади.

Машғулотнинг биринчи босқичида рўй берган «кўчки ҳодисаси» натижасида гўёки автобусга зарар етиб, «жароҳатланган» йўловчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида тезкор қутқарув ишлари амалга оширилди. Жароҳатланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, йўл-транспорт ҳаракатини қайта йўлга қўйиш вазифалари амалда синаб кўрилди.

Йўлнинг 126-километрида ўтказилган навбатдаги машғулотда хавфли суюқлик — натрий цианид ортган юк машинаси «ҳалокати»ни бартараф этиш чоралари Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг махсус куч ва воситалари, давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати орқали техник ва тиббий қоидаларга мос тарзда кўрсатиб берилди. Энг муҳими, бу жараёнда катта автомагистраль йўналиши бўйлаб қатнаётган ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш амалда кўрсатилди.

Уюшқоқлик билан ташкил этилган машқлар, ходимларнинг амалий малакасини оширишга хизмат қилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** *тактик ўқув-машғулотлардан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*«Келажак овози – 2006»*

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танлови ниҳоясига етди.**



## ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

Танловда бугунги ёшларнинг санъат ва ижтимоий фанларнинг турли йўналишларини қамраб олувчи «Тасвирий ва амалий санъат», «Ахборот ва коммуникация технолгиялари», «Ижтимоий лойиҳалар ва ишланмалар», «Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Бадиий ижод», «Архитектура ва дизайн» сингари олти номинация бўйича энг иқтидорли ёшлар аниқланиб, уларнинг истеъдоди, ўз мақсадлари йўлидаги интилишлари юксак мукофотлар билан рағбатлантирилди.

Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган ўн мингга яқин ёшлар, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар сараланиб, уларнинг 280 нафари танловнинг республика босқичига йўлланма олишган эди. Қатнашчилардан қирқ нафари республика танловининг ғолиби дея тан олинди.

«Келажак овози» танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими «Халқлар дўстлиги» саройида ўтказилди ва уларга «Келажак овози – 2006» ғолиби дипломи ва танлов рамзи туширилган эсдалик мукофоти ҳамда грантлар топширилди.

Ўзбекистон ёшларининг катта байрамига айланган ушбу тадбирда ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузлари иштирок этишди.

Танлов ғолиблари орасида вилоятимиз вакили, ўртачирчиқлик Баҳодир Қаршибоев ҳам бор. У «Ахборот ва коммуникация технологиялари» номинацияси бўйича энг иқтидорли ёшлардан.

– «Келажак овози» танловида қатнашиш мен учун катта имкониятлар эшигини очиб берди, – дейди Баҳодир. – Бу йил мен Москва давлат иқтисодиёт, статистика ва информатика университетининг Тошкентдаги филиалининг молия ва кредит факультети талабаси бўлиш бахтига эришдим. Танловга тайёрланиш жараёнида кириш имтиҳонлари материалларини пухта ўзлаштириш имкониятига эга бўлдим. Келажакда Ватан равнақи йўлида муносиб хизмат қилиш, менга бўлган ишончни оқлаш ниятидаман.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА САНЪАТ

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида миллий санъатимиз ривожида хотин-қизларнинг тутган ўрнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг таниқли санъаткор, мусаввир, журналист аёллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.***

Бугунги кунда кино, театр, хореография, тасвирий санъат каби йўналишларда самарали фаолият олиб бораётган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти фан, таълим билан биргаликда санъат, адабиёт, маданият йўналишида тинимсиз изланаётган умидли истеъдод соҳибаларини кашф этиш, ижодини тарғиб қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда ушбу соҳада изланаётган ижодкорлар фаолиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка кенгроқ таништириш мақсадида турли кўрик-танловлар, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, санъат фестиваллари каби тадбирларни таъсирчан ва самарали тарзда ташкил этишга оид вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

### Футбол



## РАҚИБЛАР АНИҚ

**Осиё футбол конфедерациясининг (ОФК) Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган қароргоҳида келаси йили футбол бўйича ўтказиладиган қитъа чемпионатининг финал қисмида иштирок этадиган ўн олтита миллий терма жамоа ўртасида қуръа ташлаш маросими бўлди.**

Бу галги Осиё чемпионатига тўрт мамлакат – Малайзия, Индонезия, Таиланд ва Вьетнам мезбонлик қилиши белгилаб қўйилган. Ўтказилган қуръа натижасига кўра, "С" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақани Малайзияда бошлайди.

Мазкур гуруҳда мезбон – Малайзия ва Ўзбекистондан ташқари Эрон ҳамда Хитой терма жамоалари ҳам беллашади. Ўзбекистонлик чарм тўп усталари гуруҳдаги дастлабки учрашувини келаси йилнинг 11 июль куни асосий рақиб – уч карра Осиё чемпиони Эрон футболчиларига қарши ўтказади. Уч кундан сўнг ҳамюртларимиз мезбонлар терма жамоасига қарши майдонга тушади. 18 июль куни гуруҳдаги сўнгги баҳсда вакилларимиз Хитой терма жамоасига қарши тўп суради.

Куала-Лумпурда ўтказилган қуръа ташлаш маросими натижаларига кўра, "А" гуруҳи беллашувларига мезбонлик қиладиган Таиланд терма жамоаси Уммон, Ироқ ва Осиё чемпионатида илк маротаба қатнашаётган ОФКнинг янги вакили – Австралия билан рақобатлашади.

"В" гуруҳи жамоаларини ўзида қабул қиладиган Вьетнам терма жамоаси учун қуръа анча омадсиз бўлди. Вьетнамликлар гуруҳдан чиқиш учун амалдаги Осиё чемпиони Япония, сўнгги Осиё ўйинлари ғолиби Қатар ва кучли таркибга эга Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари қаршилигини синдириши лозим бўлади.

Шунингдек, " D" гуруҳи мезбони – Индонезия ҳам мураккаб вазиятга тушиб қолди. Индонезияликлар ўз гуруҳида 2002 йилги жаҳон чемпионати ярим финалчиси Жанубий Корея, Осиё чемпионатида уч маротаба бош совринни қўлга киритган Саудия Арабистони ва Баҳрайн терма жамоалари билан куч синашишга мажбур.

Мусобақа қоидасига кўра, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки поғонани эгаллаган саккизта терма жамоа 21 ва 22 июль кунлари ўтказиладиган чорак финалга йўлланма олади.

Ярим финал учрашувлари 25 июль куни Малайзия ва Вьетнам майдонларида ўтказилса, 29 июль куни бўладиган финал учрашувига Индонезия пойтахти Жакарта шаҳри мезбонлик қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

### Бу қизиқ

## РОБОТЛАР АСРИ ЯҚИН

"Майкрософт" компанияси асосчиси Билл Гейтс инсоният янги аср бўсағасида турибди, деган фикрда. Унинг таъкидлашича, яқин йиллар ичида роботлар кундалик ҳаётнинг оддий воқелигига айланади. Бугун робототехника соҳасида бундан 30 йил муқаддам электрон ҳисоблаш техникаси соҳасида рўй берган каби катта инқилобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, роботлар компьютерлар сингари оммавийлашиб кетади.

Ҳозирча роботлар айнан қачон кундалик ҳаётнинг узвий қисмига айланиши ва қандай вазифаларни бажариши ҳақида аниқ айтиш мушкул. Билл Гейтснинг сўзларига кўра, роботлар биринчи навбатда қарияларнинг жонига оро киради. Улар ногиронлар учун беминнат югурдаклик қилиши, қурувчи ва шифокорларга ёрдам кўрсатиши мумкин. Маълумотларга қараганда, 2004 йили сайёрамизда икки миллион хусусий робот хизматидан фойдаланилган. 2008 йилда уларнинг сони 9 миллионга етади. 2025 йилга бориб дунёдаги хусусий робот саноати ишлаб чиқарадиган "темир одамлар"нинг йиллик умумий қиймати 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлади. Ҳозирча бу кўрсаткич 5 миллиард доллар.

**ЎзА.**



*Қўшиқ завқи...*

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

### Жажжи ҳикоялар

## «СИНГИЛ»НИНГ ЖОЙИ

Ҳовлимизга қатор қилиб экилган уч туп анжир мевага кирди. Нима бўлди-ю, хотиним: «Анжирлар бир-бирига яқин экилгани учун қисилиб қолди, яхши шох ёзиб кетолмаяпти», деб ўртадаги бир тупини олиб ташламоқчи бўлди. Мен: «Қўй, анжирларга озор берма» десам, барибир ўз айтганини қилди.

Энди икки туп анжир қолди. Улар шох ёзишга ёзишди-ю, лекин қандайдир бир тўсиқ бордай шохлари ўзларига қайрилиб ўсяпти, ўртадаги бўшлиқ барибир тўлмаяпти. Мен бу ҳолни кузатиб, ҳайратга тушаман: анжирлар ўз шериклари ўрнини илгари қандай бўлса шундайлигича сақлаб келишяпти, бошқача қилиб айтганда «бевақт кетган сингил»нинг жойига кўз олайтиришмаяпти.

Ҳа, табиатдан ибрат олса арзийди.

## ВАФОДОРЛИК

Профессорлар шаҳарчасида яшайдиган жуда олижаноб, одамшаванда қудам бор эди. Қачон борсам, ҳовлисида ўз қўли билан ўстираётган дарахтларини кўрсатар, пишганлари бўлса, меваси билан меҳмон қиларди. «Мана бу шафтолини қаранг, отини «Муяссархон» қўйдим, ҳадемай мевага киради», деди у бир куни янги бир шафтоли кўчатини кўрсатиб. Кўп ўтмай у мева бера бошлади. Йирик, нимқизил, нимпушти рангли, сип-силлиқ «луччак» шафтоли жуда ширин эди. Ҳар борганда «Муяссархон»нинг мевасидан татиб келардик.

Тақдир экан, қудам тўсатдан бандаликни бажо келтирди. Ёз эди, қариндош-уруғ, ёр-биродар, ҳамкасблар уни охирги йўлга кузатиш учун йиғилдик. Тобутни кўтаришдан олдин кичик бир йиғин бўлди. Сўзга чиққан қудамнинг дўстлари, ҳамкасблари унинг инсоний фазилатларини айтиб, видолаша бошладилар. Шунда чорбоғ тарафдан қарсиллаган овоз эшитилди. Ҳамма ўша ёққа қаради. Не кўз билан кўрайликки, қудамнинг «Муяссархон» шафтолиси иккига бўлиниб, ерда ётарди. Шамол йўқ, бошқа йўқ...

Бу ҳодиса ҳаммани ҳайратга солди. «Муяссархон» ўз соҳиби учун жонини фидо қилган эди.

## БИР ТУПГИНА ЖИЙДА

Қишлоқда туғилиб ўсганлигимданми, жийдани жуда яхши кўраман. Ёшлигимда далаларда, уватларда баланд-баланд нон жийдалар ўсарди. Мевасини оғизга солсангиз, худди нон егандай бўлардингиз. Шунинг учун уларни шундай деб аташарди. Бу жийдалар уруш йиллари қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Кейинчалик, пахта қуритувчи «сушилка»лар учун бошқа дарахтлар қатори жийдаларни ҳам кесиб, ёқиб юборишди. Шу боис қишлоқларда жийда жуда кам қолди.

Аммо ёшликда берган кўнгил, деганларидек мен жийдани қўмсаб юриб, бир тупини шаҳарга олиб келиб, кўча дарвозам олдига ўтқаздим. Ўзи кўримсизгина дарахт, эгри-бугри бўлиб ўсади, аммо баҳор кезлари гуллаш пайтида теварак атрофга шунақанги ажойиб, анвойи ҳид таратадики, таърифига сўз йўқ. Жийдамизнинг ҳиди баҳор кезлари бутун маҳаллани тутиб кетарди. Эшигимизни танимаганлар «Бир туп жийдаси бор дарвоза» дейишарди.

Аммо бу жийданинг умри қисқа экан, иморат солиш пайтида юк крани синдириб кетди. Энди у йўқ, ҳар баҳор бетакрор ҳидини қўмсаб қўямиз...

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.**




*Яхши жиҳозланган, кенг, мўл кабинет. Бекжонов хона тўридаги улкан аквариум ёнида туриб, тилла балиқларга ем бераяпти. Гоҳо ўзича ғудраниб қўяди.*

**Бекжонов:** Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, миттивой. Биров біровнинг қўлига қарайди. Мана, сен «Хўжайин бир сиқим ем ташласа, қоринни алдаб олардик», деб қўлимга қарайсан. Мен ҳам эрталабдан эшикка тикиламан. Ғийқ этиб очилса, юрагим ўйнаб кетади. Баданига сал-пал жир битган киши келдимикан ё қурумсоқ бирялангоёқмикан...

Эҳ, миттивой!.. Яқинда қизиқ бўлди. Ошнам Шониёз неварасига тўй қилаётган экан. Ке, «қуллуқ бўлсин»га ўтиб қўяй, дедим. Азонлаб ҳаммомга бордим. Ундан чиқиб, тўйхонага йўрғаладим. Борсам – тумонат одам. Шониёзни табрикламоқчи бўлсам, у «раҳмат, дўстим, овора бўлибсиз-да», деб қўлимдаги целлофан пакетга қўл чўзаяпти. «Бу сочиқ, эски мочалка, олқинди», деб бўлмайди-ку, тўғрими? Э, қўй-чи, Шониёз пакетни олди, раҳмат айтиб, жиянига узатиб юборди. Кейин десанг, бир ойгача аразлаб юрди. Бемаъни ҳазил қилган эмишман...

Ана шунақа, миттивой...

*(Бекжонов қўлларини артиб, жойига келиб ўтиради. Деҳқонсифат бир киши киради).*

**Очилов:** Ассалому алайкум, хўжайин. Биласиз, мен тадбиркорман. Эсингизда бўлса, ўтган йили ҳам олдингизга келувдим. Бу йил десангиз, карам экувдим. Омадимиз бор экан, бир бўлиб берди, бир бўлиб берди, кўз тегмасин. Вагонга ортиб, олисроқ ерга жўнатсакми, деб сизга илиниб келдим. Биттагина вагонга рухсат берсангиз, хўжайин.

*(Очилов қоғоз чўзади).*

**Бекжонов:** *(кибр ила)* Ие, гапингиз қизиқ бўлди-ю, Очилов! Нима, менинг вагон заводим бормиди, қаторлаштириб берсам! Бўш вагон йўқ! Борлари ҳам аллақачон талаш бўлиб кетган. Ким кўп, сизга ўхшаган тадбиркор кўп!

**Очилов:** Энди, бир иложини қилинг, хўжайин. Яхшилигингизни унутмайман...

*(Очилов Бекжоновнинг кўкрак чўнтагига пул солади).*

**Бекжонов:** Хўв, нима қиляпсиз, Очилов! Мен пора олмайман! Сиз жиноятга етаклаяпсиз мени.

**Очилов:** Бу пора эмас, хўжайин, кафсан. Карамдан кафсан! Омон-эсон Жезқозғонга бориб келайлик, яна атаб қўйганимиз бор.

**Бекжонов:** *(юмшаб)* Да-а... Вагон масаласи чатоқ-да, Очилов. Ҳай, юқоридан кўрсатма бор, тадбиркорни ҳамиша қўллаб туринглар, дейишган. Қўймадингиз-қўймадингиз-да. Обкелинг, қоғозингизни.

*(У қўл қўяди, Очилов қайта-қайта раҳмат айтиб, чиқиб кетади. Бекжонов бир пас айланма креслода чайқалиб, кўзларини юмганча, ҳузур қилиб ўтиради. Сўнг ўрнидан туради).*

**Бекжонов:** Бизга ўхшаган бир оқилу доно «Насиб қилса, келур Шому Ироқдан!» деган экан. Мана, Худо хоҳласа, бугунги насиба ҳам келди. Хўш, энди бу насибани қудуққа ташлаймиз.

*(У пастак столга яқинлашиб, чойнак қопқоғини очиб кўради ва чўнтагидаги долларни олиб, чойнакка ташлайди).*

– Ана-а! Ўрага сичқон тушди гулдур-гуп!

*(Бекжонов ўрнига қайтиб, котибани чақиради, у кириб чойнакни олиб чиқиб кетади. Шу пайт икки йигит киради).*

– Хўв, нега рухсатсиз кирасизлар? Кўрмаяпсизми, бандман! Этика борми ўзи сизларда?

*(Биринчи йигит ҳужжатини чиқариб кўрсатади. Бекжонов телефон гўшагини отиб-уриб, ирғиб туради).*

– Ие, ие, ассалому алайкум! Танимасни сийламас, дегандай... Узр, минг бор узр! Келсинлар, келсинлар, қадамларига гул битсин, ундан кейин чангал-чангал пул битсин! Хи-хи-хи!

**Биринчи йигит:** Ҳозиргина сиз бир деҳқондан пора олдингиз. Эллик доллардан юз доллар.

**Бекжонов:** *(қалтираб)* Қанақа пора? Пора ҳаром нарса-ку! Пора кафанлик бўлади. Биз пора олмаймиз, аксинча, биз порахўрларга жон-жаҳдимиз билан...

**Иккинчи йигит:** Бас! Майнабозчилик қилманг! Ўша юз долларни мана бу ерга қўйинг!

**Бекжонов:** *(Ўзини ўнглаб)* Эй, укажоним-ей! Биз бечораларда доллар нима қилади? Долларим бўлса, мана шу кабинетда моғорлаб ўтирармидим? Ҳинду-Хитой қилиб, бир ўйнаб келмасмидим?

**Биринчи йигит:** *(шеригига)* Жўраев, анави шкафларни бир ахтариб кўринг. *(Бекжонов тарафга ўтади).* Бу ёққа туринг! (Бекжонов жойини бўшатади. Йигит стол тортмаларини очиб кўради). – Сейфнинг калитини беринг!

*(Бекжонов калит чиқаради).*

**Бекжонов:** Мана, ука... Э, хўжайинжон, бемалол, бемалол... Ҳамма тешик-теликни текширинг, агар бир дона доллар топсангиз, сизга ҳам, менга ҳам буюрмасин...

*(Бекжонов эшикка қараб котиба қизни чақиради).* – Жаннатхо-он! *(Котиба киради)* Меҳмонларга бир чой дамланг! Асл чойдан.

*(Жаннатхон жилпанглаб чиқиб кетади. Бу орада йигитлар хонани обдон титкилаб, ҳеч нарса тополмайдилар).*

**Иккинчи йигит:** Қайси гўрга беркитгансиз, Бекжонов? Ютиб юборганмисиз?

**Бекжонов:** *(Хотиржам)* Йўқ нарса йўқ-да, укажон. Бор бўлса, топиларди.

*(Жаннатхон чой олиб киради).*

– Қани, ўтирсинлар, меҳмонлар. Бир пиёладан чой...

**Биринчи йигит:** Раҳмат. Насиб қилса, ҳали сиз билан кўп чойлашамиз.

**Бекжонов:** Насиб, насиб...

*(Йигитлар жўнайди. Бекжонов уларни кузатиб қўйиб, жойига ўтиради).*

– Хайрият, бир фалокатдан қутулиб қолдим-а! Худо кўрсатмасин, бронхитим бор, бизга зах ертўла тўғри келмайди. Иссиқ-иссиқ нарса бўлса – ёқади. (Чой қуйиб ичади). Оҳ, оҳ, оҳ! «Кўки»нинг иси келади-я, «кўки»нинг! *(У тугмачани босади, котиба киради).* Жаннатхон, муборак «сейф»ларини очсинлар энди, Вашингтоннинг жамолига бир тўяйлик...

**Жаннатхон:** *(Қийшанглаб)* Ҳо-о! Бундан кейинги топганим – сеники дегансиз. Эркак кишида лафз бўлади. Бермайман. Қиш келаяпти. Оёғимга бир нарса оламан.

*(Бекжонов ўрнидан туриб, котибага яқинлашади).*

**Бекжонов:** *(Ялиниб)* Ундай қилманг-да, Жаннатхон... Худо хоҳласа, иккала оёғингизни ўзим сувдай қилиб ясантириб бераман. Келинг, «сейф»ни очинг.

**Жаннатхон:** Гапингиз гап-а? Алдамайсиз, а?

**Бекжонов:** Алдасам... мана, тепамда чироқ, қўлим оғзимга етмай қолсин. *(Жаннатхон тескари ўгирилиб, қўйнидан иккита элликталик долларни олади. Шу пайт тафтишчи йигит билан деҳқон кириб, остонада турадилар. Бекжонов билан Жаннатхон уларни кўрмай, савдолашаверадилар).*

**Жаннатхон:** Мана! Кўзингиз қизисин!.. *(У долларни бармоқларига қисиб, кўз-кўз қилади, Бекжонов боладай сакрайди, пулга қўли етмайди. Қиз қиқирлаб кулади).*

**Бекжонов:** Жаннатхон! Одамни қийнаманг, жоним! Шунақа қилаверсангиз, бир нарса бўлиб қолишим мумкин. Бу ёққа беринг...

**Жаннатхон:** Сизга балоям урмайди. Неча йил бўлди – юрагим чато-оқ, вой у ёғим, вой бу ёғим... дейсиз. Сиздан азроил ҳам ҳазар қилса керак.

**Бекжонов:** Бас қилинг, энди, Жаннатхон! Ҳа, бўпти, келишдик. Биттаси сизга, биттаси бизга. Бера қолинг энди... Уф-ф...

**Биринчи йигит:** *(Бир қадам олға босиб),* талашманглар, пулнинг эгаси бу ёқда...

*(Бекжонов билан Жаннатхон турган жойларида суратдек қотиб қоладилар).*

**Саъдулла СИЁЕВ.**

Собир Раҳимов тумани, Ўразбоев кўчаси, 1А-уйда жойлашган чет эл сармояси иштирокидаги «AK-KERAMIKA PLYUS» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 20347237) ўзининг устав фондини 40 000 000 сўм ва 129 200 АҚШ долларидан 40 000 000 сўм ва 39 200 АҚШ долларигача камайтирганлигини маълум қилади.

Собир Раҳимов тумани бинолар ва иншоотлар кадастри бошқармаси томонидан 2003 йил 15 сентябрда «ASTERA» масъулияти чекланган жамиятига берилган 5014752274 рақамли ер ҳамда 8-226/2003 рақамли бинога тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

### Рассом хандаси







**Шавкат МУЗАФФАР чизган расмлар.**

Тошкент Давлат кимё-технология институти томонидан 2003 йилда Хуррамов Умарбек Абдуллаевич номига берилган 132569 рақамли бакалавр диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза туманидаги маиший хизмат кўрсатиш коллежи томонидан 1997 йил 20 июнда Мансуров Анвар Акрамович номига берилган № 036461 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туманидаги «EXTRA RADOST» (ОКПО 19883924)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 69/7-уйда қабул қилинади.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси бошқарма ҳайдовчиси **Тўхтамурод РАҲИМОВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Янгийўл тумани халқ таълими бўлими мудири Санобар Зияевага онаси **Ўғилой ая ФОЗИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Янгийўл тумани халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман вакиллиги жамоаси Янгийўл туман халқ таълими бўлими мудири Санобар Зияевага онаси **Ўғилой ая ФОЗИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1440. Адади 3164. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5